2015 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (12.859)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

БУГУН АСКАР, ЭРТАГА ТАЛАБА

Тадбирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мамлакатимиздаги етакчи олий ҳарбий ўқув юртларидан бири экани ва бу ерда Қуролли Кучлар учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрланаётгани таъкидланди. Билим юртида курсантлар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг спорт билан шуғулланиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун барча шароит яратилган.

Ватанимиз олдида ўз бурчини намунали адо этган аскарларга фахрий ёрлиқ ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёз берадиган қўмондонлик тавсияномалари тантанали равишда топширилди.

– Коллежда ўқиб юрган пайтимдаёқ ҳарбий бўлишни орзу қилардим, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган навоийлик Ҳусан Набиев. – Армияда хизмат қилиш учун ўтказиладиган синовлардан муваффақиятли ўтиш мақсадида ўқишга кўп вақт ажратдим. Самбо бўйича спорт усталигига номзод унвонига эга бўлдим. Танлаган йўлимни давом эттириш ниятидаман ва бунинг учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ҳарбий йўналиш бўйича ўқишга киришни режалаштирдим.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири
Темур Мамадаминов (ЎзА) олган сурат

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАВАСДА

Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, замонавий шаҳарлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар, қулай иқтисодий ва сармоявий муҳит хорижликларнинг эътиборини тортади. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар ва меҳмонлар буни алоҳида эътироф этади. ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Эрхард ШТРЕКЕР (Германия):

– Ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига оид кўп китоблар ўқиганман, фильмлар кўрганман. Ўзбекистон жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган юрт сифатида дунёга машҳур.

Мамлакатингизда энг кўркам, энг муҳташам бинолар таълим масканлари экан. Ўзбекистонда илм-фанга эътибор нақадар баланд эканига ҳавас қилдим. Жойларда бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашиб, бунга янада кенгроқ ишонч ҳосил қилдим. Ёшларингиз жуда билимли. Исталган соҳада ҳар қандай одам билан баҳслаша олади. Ўқувчиларнинг чет тилларда бемалол сўзлаша олиши эътиборимни тортди. Бундай билимли ва соғлом ёшлар мамлакатингизнинг катта бойлиги.

Ченглей МОУ (Хитой):

– Ўзбекистон пахтасидан тайёрланадиган матолар ва кийим-кечакларга дунёда талаб юқори. Мамлакатингизда тўқимачилик, мода ва дизайн соҳалари тобора ривожланиб бормоқда. Бунинг учун юртингизда барча зарур омиллар – иқтисодий барқарорлик, замонавий саноат тармоқлари ва интеллектуал ғоялар мавжуд.

Юртингизга келишимдан асосий мақсад тўқимачилик корхоналари билан танишиш ва ҳамкорлик ўрнатишдир. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги яқин ва эркин алоқалар бунга мустаҳкам замин яратади.

Мохана ДЕВГАН (Ҳиндистон):

– Ёшларингизга ҳавасим келади. Улар Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларнинг авлодларидир. Уларнинг буюк мероси бутун дунёга кенг ёйилган, цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшган. Буюк шоир ва қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ҳам нафақат ўзбек халқининг, балки инсониятнинг маънавий мулкига айланган.

Шундай алломалар туғилган юртни, эртак ва ҳикоятларда эшитганим Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини кўриш кўп йиллик истагим эди. Ниҳоят, орзуим амалга ошиб, Ўзбекистоннинг ушбу қадимий шаҳарларини, тилларда достон тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

Деметрио ГАРСЕС (Испания):

– Ўзбекистонга бундан 17 йил илгари келган эдим. Шундан буён мамлакатингиз жадал ривожланибди. Тошкент шаҳрини таниш қийин. Замонавий муҳташам бинолар, йўл ва кўприклар қурилибди, тарихий обидалар таъмирланибди. Аҳоли ва меҳмонларнинг дам олиши учун кенг шароит яратилган. Гўзал хиёбонларни, ресторану қаҳвахоналарни, супермаркет ва дўконларни ҳар қадамда учратиш мумкин. У ерларда кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай сайёҳга манзур бўлиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2015 йил мамлакатингизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганини эшитиб ҳавас қилдим. Бу саъй-ҳаракатлар аввало кексаларнинг, қолаверса, уларни соғ-саломат кўришни хоҳлайдиган барча инсонларнинг кўнглини кўтаради.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Сайлов — 2015

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови – 2015» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш сайлов кампаниясининг ажралмас қисми бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг кайфияти, фикр-мулоҳазалари, шунингдек, сайловда фаол иштирок этишини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўров ўтказишдан мақсад аҳолининг яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги хабардорлиги, ўз сайлов ҳуқуқлари ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни қай даражада билишини аниқлашдан иборатдир.

Жамоатчилик сўровида аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари – эркаклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, турли миллат ва дин вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Бўлажак сайлов ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш тадқиқотлари натижаси шундан далолат беради-ки, аҳолининг асосий қисми – 97,2 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтишидан хабардор. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ миллий сайлов қонунчилиги ҳуқуқий механизмларининг такомиллаштирилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов кампаниясини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида фуқароларнинг хабардорлик даражаси ошмоқда.

Сўров натижаларига кўра, фуқароларимизнинг аксарияти ўзининг сайлов ҳуқуқлари ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ҳақида етарлича маълумотга эга. Иштирокчиларнинг 91 фоизга яқини Ўзбекистон Республикаси Президенти миллий қонунчилигимизга мувофиқ беш йил муддатга сайланишидан хабардор эканини таъкидлаган. Бундан ташқари, улар миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тўрт партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ҳам билади.

Сўров фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш муҳим аҳамиятга эга экани ва бу уларга ўз фуқаролик бурчини бажариш ва конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш имконини беришини кўрсатди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш фуқароларнинг кўпчилиги учун ватанпарварлик туйғусини намоён этиш, Ватанимиз билан фахрланиш ва буюк келажагимизга ишониш ифодасидир.

Шунингдек, фуқароларнинг аксарияти учун оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги воқеалар, сайловолди кампанияси ҳақида ахборот етказиб берадиган асосий манбадир. Сўровга кўра, 95,4 фоиз фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясини мунтазам кузатиб бормоқда. Ҳар иккинчи иштирокчининг фикрича, республика оммавий ахборот воситалари бўлажак сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, сайлов кампаниясининг ҳуқуқий асосларига тааллуқли хабарларни тезкор ва ўз вақтида тарқатмоқда.

Мухтасар айтганда, сўров фуқароларимиз кайфияти баланд экани, 29 март куни тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, жамиятда дўстлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш муҳитида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга тайёр эканини кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА тайёрлади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари масаласига бағишланган ўқув-семинари ўтказилди. Унда вилоят марказидаги участка сайлов комиссиялари раислари, ўринбосарлари, котиблари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда участка сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар ва улар фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган 172 участка сайлов комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари қатнашди.

● Фарғонада Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг «Ҳудудий иқтисодий ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва логистикасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўз йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб қайтган аскарларнинг бир гуруҳини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Термизда «BankExpo – 2015» банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Банк мижоз учун» шиори остида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз молия-банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

● Нукус темир йўл вокзалида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Грецияга халқаро молиявий ёрдам кўрсатиш дастури Еврогуруҳ томонидан кейинги ой давомида учинчи бор кўриб чиқилади. Экспертларнинг фикрларига кўра, Еврохудуддаги иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Германиянинг позицияси музокаралар жараёнини мураккаблаштириши мумкин.

● Австралияга «Марсия» бўронининг хуружи натижасида 30 мингдан ортиқ уй-жойлар электр қувватидан узилиб қолди. Бўрон ўз ҳаракатини давом эттирмоқда. Маҳаллий маъмурлар аҳолини кўчаларга чиқмасдан уйларининг мустаҳкам жойларида табиий офатдан сақланиш ҳақида огоҳлантирмоқдалар.

● Бирма (Мьянма)да фабрикалар эгалари ва касаба уюшмаларининг вакиллари ўртасидаги музокаралар натижасиз якунланганидан сўнг, ушбу мамлакатдаги тўқимачилик фабрикаларининг бир неча минг ишчи-хизматчиси ишдан ташқари вақтдаги қўшимча фаолият учун тўланадиган ҳақни икки баравар оширишни сўраган ҳолда иш ташламоқдалар.



Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш ҳамда трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналар сони йилдан йилга кўпаймоқда

Ислом Исмоилов олган сурат

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда иқтисодиётни изчил ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, соҳада таркибий туб ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш борасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тошкент ислом университетида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда «Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш: устувор йўналишлар, муаммолар ва истиқболлар» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, иқтисодчи олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш юзасидан олиб борилган ишлар ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг мақсадли йўналтирилганлиги мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилаётгани қайд этилган.

Анжуманда 2014 йилда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилгани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш зарурати тобора ортиб бораётир. Бу жиҳатлар иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Ушбу соҳалар ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Анжуманда глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, капиталлар ҳаракатини эркинлаштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири, ташқи савдо ва инвестицион фаолликнинг минтақавий хусусиятлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳримизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил давомида амалга оширилган ишлари сарҳисобига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Анжуманлар

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва фаол ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад — «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Дастур ижросини сарҳисоб қилиш ҳамда жорий йилда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган устувор йўналишларни белгилашдан иборат бўлди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ҳаракат томонидан 2014 йил давомида жами 7 644 дан ортиқ тадбир ташкил этилиб, 1 млн. нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди. Жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишида тадбирлар ўтказилган.

Тошкент шаҳар Кенгаши тизимида 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 690 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда, улар 300 мингга яқин 15-30 ёшдаги аъзоларни бирлаштирган. Ҳаракат қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ҳозирда 148 635 нафардан зиёд 10-14 ёшдаги аъзоларига эгадир.

Ўтган давр мобайнида Кенгаш томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёшларни суд органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган учрашувларни мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилди. Ёшларни шаҳар ва туман ҳокимликлари фаолияти билан яқиндан таништириш, шунингдек, улар орасида учраётган муаммоларни бартараф қилиш, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган «Ҳоким ва ёшлар» учрашувларига жами ўн уч мингдан зиёд ёшлар жалб қилинган.

Ўтган даврдаги сарҳисоб шуни кўрсатдики, кўпгина лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан ўтказилди.

Жумладан, ўтган йилнинг 7-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остидаги ёшлар фестивали ўтказилди. Тошкент шаҳри бўйича жами 60 дан ортиқ тарғибот тадбирлари уюштирилиб, унга 18 000 нафар ёшлар жалб этилди.

«Менинг бизнес ғоям» лойиҳасида Тошкент шаҳридаги мингдан ортиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчи ёшлари қатнашди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳасининг Тошкент шаҳар босқичида лойиҳа иштирокчиларига имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар тақдим этилди.

Иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичига 245 нафар иқтидорли ёшларга йўлланмалар берилди. Мазкур танлов ёшларнинг иқтидорларини намойиш этиш имконини бергани қувонарли ҳолдир.

Ёшларни спортга жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилди. «Эко бог» ҳудудида «Камолот шахмат тахтаси» турнири, «Пахтакор» марказий стадионида «Kamolot-TUR» VII ёшлар веломарафонининг Тошкент шаҳар босқичлари айнан шу мақсадларда ташкил этилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ ХИТОЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари ҳам мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мавзусига эътибор қаратмоқда. Шу тариқа Хитой газетхонлари ҳам Ўзбекистон жорий йилнинг муҳим сиёсий воқеаси арафасида турганидан ва унга кўрилаётган қизғин тайёргарлик жараёнларидан хабардор бўлишмоқда.

Хусусан, яқинда Хитойда чоп этиладиган нуфузли нашр — «Жэньминь жибао» газетаси саҳифасида «29 март куни Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови бўлиб ўтади» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш истагини билдиргани ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тўпламини тақдим қилгани таъкидланади.

«Сайловга тайёргарлик ишларининг энг муҳим босқичи сайлов округлари ва участкаларини ташкил қилиш ҳисобланади, деб ёзади газета. Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакат вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича 14 та сайлов округи ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари тавсиясига кўра, округ сайлов комиссиялари ходимларининг таркиби тасдиқланди. Ўтган йилнинг декабрида бўлиб ўтган парламент сайловларида тажриба орттирган, жамиятнинг обрўли ва фаол вакиллари мазкур таркибдан жой олди. Бўлажак сайловларда чет элларда овоз беришни ташкил қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, мамлакатнинг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 та сайлов участкаси ташкил қилинди».

Хитойнинг **«Синьхуа» ахборот агентлиги** эса Ўзбекистонда кечаётган сайлов кампанияси жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масаласига алоҳида эътибор қаратди. Мазкур ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилганлиги ўз ифодасини топган.

Агентлик хабарида кўплаб хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шу жумладан, хитойлик журналистлар ҳам ушбу сайлов жараёнини ёритишда иштирок этиш истагини билдирган. «Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда сайлов жараёни ҳақида жамоатчиликка ўз вақтида ва холис маълумот берилишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади. Сайловолди дастурларининг мазмуни ва мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўз нуқтаи назарини сайловчилар ва жамоатчилик эътиборига етказиш учун тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратилади», деб ёзади «Синьхуа» ахборот агентлиги.

Хитой Ахборот-интернет маркази ва Хитой халқаро радиоси ҳам ўзларининг электрон ахборот порталларида юртимизда бўлиб ўтадиган мазкур сайловлар мавзусига бағишлаб мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикасидаги дипломатия ваколатхонасида ташкил этилган давра суҳбати тафсилотларини ёритди. Улар элчихонада бўлиб ўтган мазкур тадбирда Хитойнинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва жамоатчилик доиралари вакиллари, шунингдек, кўплаб журналистлар иштирок этишганини хитойлик ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган.

«Давра суҳбатида Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёни билан боғлиқ маълумотлар, шунингдек, сайлов Ўзбекистоннинг келажаги ҳамда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик таъминланиши нуқтаи назарида қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлиги масаласи мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди», деб ёзади Хитой оммавий ахборот воситалари.

«Жаҳон» АА,
Пекин

Республикамизда кейинги йилларда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА

Айниқса, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамиятга эгалиги инобатга олиниб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда фуқаролик ёки хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисми 4-банд билан тўлдирилган. Унга кўра, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (бундан меҳнатга оид низолар мустасно) хўжалик судига тааллуқлидир. Ушбу қонунда акциядорлар ўртасида, шунингдек, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасидаги низолар хўжалик судида кўрилиши белгиланиб, бу эса акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, 2014 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлар фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни хўжалик судлари томонидан ҳал қилишнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда хўжалик судлари томонидан иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан тушунтиришлар ва кўрсатмалар берилган.

Шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилинганлиги муносабати билан ушбу Қонун ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2014 йил 3 сентябрдаги қарори қабул қилинди.

Пленум қарорида судларнинг ушбу тоифадаги ишларни кўришдаги ваколатлари белгиланган. Хусусан, ушбу тоифадаги низолар жамият давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлганидан кейин вужудга келган ва уларнинг фаолиятидан келиб чиқадиган бўлса иш хўжалик судлари, агар низо жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар вужудга келган ва иштирокчилардан бири сифатида жисмоний шахс қатнашган ёки меҳнатга оид бўлса, умумий юрисдикция судлари судловига тегишли бўлади. Жамият фаолиятидан келиб чиққан низоларнинг баъзилари хўжалик судлари, баъзилари умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли бўлса иш умумий юрисдикция судлари судловига тегишли бўлади. Бироқ, жамият фаолиятидан келиб чиққан низолар бўйича тараф (жисмоний шахс) жамиятнинг акциядори бўлмаса ёки собиқ акциядори бўлса ушбу низо умумий юрисдикция судлари судловига тегишли. Фақат акцияларни бегоналаштириш ва бундай ҳаракатларнинг оқибати билан боғлиқ низолар бундан мустасно.

Шунингдек, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат қонунчилигини қўлланилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан низолар ҳам умумий юрисдикция судлари судловига тегишли.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

Қонунга кўра, юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари бўлишлари мумкин, жамиятни таъсис этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра, амалга оширилади, бироқ жамиятни тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этмаган шахслар унинг муассиси ҳисобланмайди.

Шунингдек, жамият уставида бартараф этиладиган бузилишлар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва уставга қўшимча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги, агарда уставда бартараф этилмайдиган бузилишлар бўлса жамиятнинг уставини эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиниши мумкин.

Акциядорлик жамияти иштирокидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинмоқда.

Тошкент шаҳар хўжалик судида 2014 йилнинг 10 ойида мазкур тоифадаги низолар билан боғлиқ 53 та низоли иш кўрилган. Шундан, 33 таси қаноатлантирилган, 14 таси рад этилган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган ҳамда 4 таси, шу жумладан биттаси келишув битимига асосан иш юритишдан тугатилган.

Хўжалик суди томонидан ушбу тоифадаги баъзи ишларни кўришда моддий ва процессуал қонун талаблари бузилиб қабул қилинган суд қарорлари прокурор протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Хусусан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 12 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар «O`zgeorangmetliti» давлат унитар корхонасининг жавобгар Ўзбекистон Полвонлар миллий энциклопедияси ҳисобидан 224.725.000 сўм миқдоридаги зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Аниқланишича, 25.07.2010 йилги 9-сонли шартномага кўра, «O`zgeorangmetliti» давлат унитар корхонаси томонидан «Svetmet Servis» МЧЖнинг ҳисоб рақамига жами 280.691 та акция учун 280.691.000 сўм пул маблағлари ўтказилган. Бироқ, ушбу акциялар учун тўланган тўловлар эвазига «Svetmet Servis» МЧЖ томонидан 3064,13 кв.м. дан иборат бино ва иншоотларнинг 224.725.000 сўмга тенг қисми даъвогарга ўтказилмаган ва кейинчалик ушбу объектлар Ўзбекистон Полвонлар миллий энциклопедиясига топширилган.

Мазкур суд қарори прокурор протестига кўра, қонунга мувофиқлаштирилиб, акциядорларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Камолиддин ЖАВЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси,
адлия кичик маслаҳатчиси

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
8.00 «Таҳлилнома».
8.35 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
9.05 «Хитой табиати». Ҳ/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Ватанпарвар».
10.50 «Нотариус маслаҳати».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.45 «Ғаройиб шаршара». Ҳ/ф.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ҳидоят сари».
14.45 Миллий сериал: «Вақт қадри».
15.20 «Сайёралар». Ҳ/ф.
15.45 «Кўрганларимиз ҳақида».
16.10 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Сухбатдош».
17.20 «Агроолам».
17.40 «Қорачиқ».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман».
18.20 «Имконият».
18.40 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов-2015».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.35 – 23.25 «Доктор Хаус». Т/с.
23.25 «Агроолам».
23.45 «Кўрганларимиз ҳақида».
00.10 «Заковат».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Вақт қадри».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 – 5.55 «Ватанпарвар».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Борго Ларичи сирлари». Т/с.
9.10 «Арктика». Ҳ/ф.
9.50 «Ўзбек адабиёти».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Галактика». Ҳ/с.
11.50 «Олтин тупроқ».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Парилар салтанати». Б/ф. 1-қисм.
14.30 «Эъзоз ва эҳтиром».
15.00 «Даҳолар». Т/с.
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Камолот-инфо».
16.20 «Аёлга таъзим».
16.30 «Эъзозли умр».
16.50 «Девонаю мастона». Б/ф.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Иблислар базми».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Бир қадам». Т/с.
23.00 «Сайлов-2015».
00.20 «Шарқ гавҳари».
1.30 «Ҳаёт симфонияси».
2.20 «Галактика». Ҳ/с.
3.10 «Тараннум».
4.00 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

ЧОРШАНБА, 25

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
8.00 «Ахборот».
8.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
9.10 «Хитой табиати». Ҳ/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Агроолам».
10.30 «Сарҳад билмас дўстлик».
10.45 «Навоий олами».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Устурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Вақт қадри».
15.10 «Сайёралар». Ҳ/ф.
15.35 «Кўнгил ободлиги».
16.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
16.45 «Кўзгудаги юрт».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Об-ҳаво мўъжизалари». Ҳ/ф.
17.25 «Ўзбек модели».
17.45 «Сен ёлғиз эмассан».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Менинг боғим».
18.35 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.10 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (рус)
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов-2015».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Юрган – дарё».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.15 – 23.00 «Доктор Хаус». Т/с.
23.00 «Иқлим».
23.50 «Бахт қадри». Б/ф.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Вақт қадри».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 3-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 «Истиқлол қаҳрамонлари».
5.30 – 6.00 «Давр».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
6.50 «Сумалак хаёли».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Борго Ларичи сирлари». Т/с.
8.40 «Сайлов-2015».
10.00 «Давр».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Галактика». Ҳ/с.
11.50 «Олтин тупроқ».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Парилар салтанати». Б/ф. 2-қисм.
14.30 «Иблислар базми».
15.00 «Даҳолар». Т/с.
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Автопатруль».
16.30 «Қўшиқлар оҳанги». Б/ф.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Тадбиркор даври».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Бир қадам». Т/с.
23.00 «Сайлов-2015».
00.20 «Навоий набиралари».
00.50 «Эъзоз ва эҳтиром».
1.20 «Ватанпарвар».
2.00 «Соғлом ҳаёт».
2.20 «Галактика». Ҳ/с.
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

СЕШАНБА, 24

Ўзбекистон

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 «Poytaxt».
6.25 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари». 31-қисм.
6.55 «Навоий маҳзани».
7.00 «Тошкент вақти».
7.50 «Суратларда ҳаёт акси».
7.55 «Ишга марҳамат!»
8.25 «Пойтахт-культура».
8.40 «Мисли гавҳар».
8.55 «Пойтахт-эко».
9.05 «Лус Мария». Т/с. 56-қисм.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.00, 14.00, 22.00 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.20 «В погоне за счастьем». Ҳ/ф.
12.10 «Сезонные моря». Д/ф.
13.00 «Тошкент вақти».
13.50 «Poytaxt-reportaj».
14.10 «Кўнгил ҳайратлари».
14.40 «Қонун доирасида».
15.00 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с. 25-қисм.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Афсонавий». Б/ф.
17.50 «Poytaxt-Hi-tech».
18.25 «Бахт қўрғони».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Лус Мария». Т/с. /Премьера/. 57-қисм.
19.45 «Телемаркет».
19.55 «Навоий маҳзани».
20.00 «Poytakht news».
20.20 «Пойтахт шаҳарлар».
20.25 «Интиқом». Т/с. /Премьера/. 26-қисм.
21.15 «Пойтахт йўлларида».
21.35 «Poytaxt-eko».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Гол-2». Ҳ/ф.
00.05 «Тақдирлар».
00.35 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Сезонные моря». Д/ф.
2.25 «Қойилмақом фириб». Б/ф.
3.50 «Poytaxt-biznes».
4.00 «Тошкент вақти».
4.50 «Дунё» теледастури.
5.40 «Пойтахт йўлларида».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Орзулар кемаси».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 Футбол. Германия чемпионати.
10.10 Биатлон. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 АНОНС.
11.15 «Шоҳсупага йўл».
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 Фристайл. Жаҳон Кубоги.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
15.20 АНОНС.
15.25 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.40 АНОНС.
16.45 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техно-спорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спорти».
19.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.35 «Футбол шарҳи».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Биатлон. Жаҳон Кубоги. Трамплиндан сакраш. Жаҳон чемпионати.
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Чанғи пойгаси. Жаҳон чемпионати.
2.35 АНОНС.
2.40 Велоспорт.
3.40 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
4.40 АНОНС.
4.45 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

05.00 Новости
05.10 «Олег Янковский, Александр Абдулов. Последняя встреча»
06.05 Х/ф «В последнюю очередь»
07.30 Х/ф «Баллада о солдате»
09.00 Новости
09.10 Х/ф «Служили два товарища»
11.00 Новости
11.15 «Люди, сделавшие землю круглой»
13.05 «Василий Лановой. Честь имею!»
14.00 Новости
14.15 Х/ф «Диверсант»
17.00 Вечерние новости
17.15 Х/ф «Диверсант». Продолжение
18.05 Праздничный концерт к Дню защитника Отечества
20.00 «Время». Информационно-аналитическая программа
21.00 Т/с «Господа-товарищи»
22.50 Х/ф «Офицеры»
00.30 Х/ф «Флика-2»
02.00 Х/ф «Хоккеисты»

Россия

05.20 Х/ф «Одиночное плавание».
07.20 Х/ф «Белое солнце пустыни».
09.00, 03.20 «Крымская легенда».
10.00, 14.20 Т/с «Берега».
14.00, 20.00 Вести.
17.25 Х/ф «Поддубный».
20.35 Т/с «Весной расцветает любовь».
23.20 Х/ф «Марш-бросок. Охота на «Охотника».
04.20 «Комната смеха».

НТВ

05.05 Х/ф «Отставник-3»
07.00, 09.00, 12.00, 18.00 Сегодня
07.15, 09.20, 12.25, 18.25 Т/с «Братство десанта»
23.10 Х/ф «В августе 44-го...»
01.25 Главная дорога
02.00 Квартирный вопрос
03.05 Дикий мир
03.15 Т/с «Второй убойный»

ПАЙШАНБА, 26

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
8.00 «Ахборот».
8.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
9.10 «Хитой табиати». Ҳ/ф.
9.35 «Руҳшунос». Т/с.
10.15 «Иқлим».
10.20 «Кўғирчоқбозлар».
10.50 «Сухбатдош».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Вақт қадри».
15.10 «Имконият».
15.30 «Сайёралар». Ҳ/ф.
15.55 «Иқлим».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Тараққиёт таянчи».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Қорачиқ».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Об-ҳаво мўъжизалари». Ҳ/ф.
17.25 «Хива: Тош ҳовли».
17.35 «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили». «Эъзоз».
17.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.05 «Таҳлил-24».
18.15 «Кўнгил ободлиги».
18.40 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов-2015».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.15 – 23.00 «Доктор Хаус». Т/с.
23.00 «Кўнгил ободлиги».
23.25 «Иқлим».
23.30 «Тўққиз ой». Б/ф.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Вақт қадри».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Ўлдинг, азиз бўлдинг». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 «Устурлоб».
5.30 «Хива: Тош ҳовли».
5.40 – 5.55 «Эъзоз».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
6.50 «Сумалак хаёли».
